

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙГОҲЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЭЛЕКТРОН МУҲИТДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Ш.А.Абдуллаева, С.Ф.Хўжаназарова,
Навоий ДПИ**

Глобаллашув сари бораётган ҳозирги дунёда давлатнинг халқаро рақобат жараёни шартларига тез мослашуви унинг муваффақиятли ва барқарор ривожланишининг асосий омили ҳисобланади. Бунда юксак тараққий этган давлатларнинг асосий устунлиги - таълим тизимининг ҳолати билан аниқланадиган, шахсни ривожлантириш имкониятлари мавжудлиги билан боғлиқ. Давлатнинг бугунги ва истикболдаги барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи омиллар ҳам айнан таълим соҳаси ривожланишига бевосита боғлиқдир.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис 1X сессиясида «Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида таълимнинг устувор йўналишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб, таълим тушунчасига миллий дидактик нуқтаи назардан ёндашиб қуйидаги фикрни билдирдилар: «Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Ўсиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён бўлади, касб-кори, маҳорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга ўтади». Таъкидланган мақсадни амалга ошириш учун таълимнинг янги модели яратилди ва унинг келажакдаги «портлаш эффекти» Юртбошимиз томонидан илмий асослаб берилди. Моделни амалиётга тадбиқ этиш ўқув жараёнини технологиялаштириш билан узвий боғлиқдир. Бугунги кунда таълим жараёнида электрон муҳитни яратиш ва ўзлаштириш юзасидан мақсадли инновация лойиҳалларини шакллантириш мамлакатда жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда. Ахборот ва педагогик технологиялар орқали илм-фаннинг таълим амалиёти, хўжалик соҳалари билан алоқасини таъминлаш чора-тадбирларини белгилаш, илмий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқишни ўз вақтида жорий этиш механизмини руёбга чиқариш,

замонавий компьютерлаштириш ва компьютер тармоқлари негизида мазкур жараёнларни ахборот билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бу эса ўз навбатида жамиятимизнинг ҳар бир аъзосидан ахборот технологияларидан хабардор бўлишни, электрон муҳит орқали фан ва ишлаб чиқаришдаги инновацияларни ўзлаштиришни, етук мутахассислар тайёрлашда зарур манбалардан фойдаланиш заруратини келтириб чиқаради **ва унинг салмоқли аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топади:**

1. бугунги кунда халқ хўжалиги тармоқларида маълумотлар базасини бошқариш тизимларини тўғри ташкиллаштириш муҳим масалага айланганлиги;
2. мавжуд муаммоларни оқилона ҳал этиб бориш янги ахборот тафаккурини шакллантиришни тақозо этиши;
3. Мамлакатимизнинг барча жабҳаларидаги вазифаларни бажаришда, хусусан тилларни ўрганишда замонавий ахборот технологиялари аҳамиятининг ўсиши;
4. ахборот технологияларини ўрганиш, амалда қўллаш, халқ хўжалиги соҳаларини ривожлантириш талабларидан келиб чиқиши ҳамда таълим соҳасида қўйилган мақсадларга самарали эришишда электрон муҳитдан унумли ва самарали фойдаланиш аҳамиятининг ўсиши кабилар.

Ҳақиқатан ҳам ахборот билимлар кўлами бугунги кунда ҳаётимизда янгича методологик ёндашувларни юзага келтираётир. Бу эса педагогикада илгари етарли даражада тадқиқ қилинмаган муаммо-хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўрганишда электрон муҳитдан фойдаланишнинг дидактик асосларини таҳлил қилиш, янгиланаётган жамиятда таълим-тарбиянинг таъсирчан механизмларини излаб топишнинг муҳимлигини кўрсатади.

Бугунги глобаллашув даврида педагогика олийгоҳларининг таълим жараёнида электрон муҳитдан фойдаланиш бўлғуси ўқитувчиларда қуйидаги хислатларни таркиб топтириш заруратини келтириб чиқаради:

- инсонпарварлик ҳислатларини ривожлантириш;
- коммуникатив (мулоқотга мойиллик) малакаларини шакллантириш;
- касбий мустақиллик, ишчанлик, ҳиссий барқарорлик, ўз ишига ижодий ёндашиш ҳислатларини таркиб топтириш;
- педагогик назокат ва педагогик техникадан оқилона фойдаланишни шакллантириш;
- нутқ техникасини, ўз товуш, мимика, жест ва гавдасини бошқариш, жамоага ва шахсга таъсир кўрсатиш қобилиятларини такомиллаштириш;
- замонавий фан ва ишлаб чиқаришдаги муаммолар, педагогик, ахборот ва юқори даражадаги технологиялардан хабардор бўлиш ҳамда улардан зарурларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва бошқалар.

Демак, педагогик маҳорат ҳамма устозлар учун қолипдаги иш услуби эмас, балки у ҳар бир ўқитувчининг ўз устида ишлаши, ижодий меҳнати эвазига юзага келадиган жараёндир. Ушбу жараёнда электрон муҳитдан фойдаланиш педагог ва таҳсил олувчилар учун кенг имкониятларни яратиб беради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси илм-фанининг жаҳон илм-фани интеграциясига қўшилиши, илмий ютуқлар ва кадрларни халқаро миқёсда алмашинуви, жаҳон мамлакатларидаги илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида илғор тажрибаларни ҳисобга олиш каби вазифалар амалга оширилаётган бир пайтда таълим жараёнида электрон муҳитдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ўз она тили – ўзбек тилини мукамал ўрганиш билан бирга, хорижий тилларни, хусусан инглиз тилини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг хориж мамлакатлари билан алоқаси тобора мустаҳкамланиб бориши, қўшма корхоналарнинг барпо этилиши, ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим муассасалари ва илмий

марказларида устувор йўналишлар бўйича олиб борилаётган тажрибалар электрон муҳит орқали хориж тилларини ўрганишни тақоза этади.

Педагогика олийгоҳларининг таълим жараёнида инглиз тилини ўрганиш талабалар орасида турли миллатлар билан алоқа воситасини мустаҳкамлашга, уларнинг фикр алмашиши учун хизмат қилади, жисман ва маънан тараққий этишини таъминлайди, талаба онгининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 28-сентябридаги 191-рақамли Қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг “ЗИЁНЕТ” жамоат таълим ахборот тармоғи ташкил этилди. Шу боис мамлакатимизда мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув даргоҳлари, турли ёшлар ташкилотлари, кутубхоналар, музейлар ва бошқа таълим, илмий ва маданий-маърифий муассасаларни халқаро ахборот тармоғига, шу жумладан ИНТЕРНЕТ тармоғига улаш амалга оширилмоқда.

Электрон муҳит – фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги маълумотлар билан танишиш учун зарур бўлган ахборот майдони бўлиб, бунда шахсий домен номларни рўйхатга олиш, ахборот ресурсларини Ресурс марказининг технологик майдончасида жойлаштириш, сақлаш ва қўллаб-қувватлаш имкони яратилади. Масалан, миллий телекоммуникация тизимида ўқув-таълимий, илмий, ёшлар ҳамда болалар муассасалари ва ташкилотлари учун мўлжалланган ахборот материалларини бирлаштирувчи ягона ахборот ресурс майдончага эга бўлган жамоат таълим ахборот тармоғи – бу “Зиёнет”дир.

Электрон муҳитда ўқув материали қатор хусусиятларга эга: у билимларнинг ўқитувчидан таҳсил олувчиларга силжишини акс эттиради; унда маълумот ва таълим мазмуни моддийлашади; инглиз тилидаги ўқув материали дарсликнинг бир қисми; таълим ўқув материални ўрганишдан бошланади; ўқув материали маълумот мазмуни ва таълим

мазмунни ўртасидаги оралиқ звено ҳисобланади; таълим мазмунига педагогик ишлов бериш ўқув материалидан бошланади.

Юкоридагилардан кўринадикки, электрон муҳитнинг барча кўринишлари маълумот мазмуни, таълим мазмуни тушунчалари билан боғланган. Талабаларнинг тил ўзлаштиришдаги тайёргарлиги миллатнинг маънавий меросидан озиқ оладиган, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий имкониятлари, кенг дунёқараши ва ақл-идроки билан ўзаро мувофиқ келиши шарт.

Педагогика олийгоҳларининг таълим жараёнидаги электрон муҳитдан фойдаланишда инглиз тили ўқитувчилари етакчилик хусусиятига эга бўлишлари, ўз даврининг руҳини чуқур ҳис этишлари, ҳаётий қарашлари, ғояси ва фаолият йўналишида келажакни кўра олишлари талаб этилади. Демак, инглиз тили ўқитувчиси шундай етакчилик хусусиятига эга бўлган, маънавияти юксак шахс бўлиши ва шундай шахсни тарбиялаши лозим. Шахснинг маънавий олами унинг тилларни ўзлаштиришига боғлиқ равишда электрон муҳитдан фойдаланиш орқали такомиллашиб, табиий равишда, унинг амалий фаолиятида ҳам ўз ифодасини топади, унинг ғоялари жамиятга сингади.

Бугунги кунда республикамизда таълим жараёнига ахборот технологияларини татбиқ қилиш, масофавий ўқитиш тизимини яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада республикамиз олимлари: А. Абдуқодиров, А. Аллоев, Ҳ. Тўйчиевларнинг ишлари диққатга сазовордир.

Умуман олганда, таълим жараёнини технологиялаштириш ва шу орқали ёшларнинг билим ўзлаштиришлари, тил ўрганишлари билан боғлиқ масалалар қатор тадқиқот ишларида ўрганиб чиқилмоқда, бироқ педагогика олийгоҳларининг таълим жараёнида электрон муҳитдан фойдаланиб, инглиз тилини ўрганиш муаммоси ҳал этилмай қолмоқда.

Республикамиз олийгоҳларида “Инглиз тили” ўқув предмети бўйича таълим берадиган устозлар талабаларда бошқа хориж тилларини ўрганишга қизиқишни фаоллаштириш, ёшларнинг мулоқотга киришувчанлик

эҳтиёжини шакллантиришнинг самарали педагогик усуллари излашга ҳаракат қилмоқдалар. Бу уринишлар натижаси қуйидагиларни изоҳлашга замин яратади:

Маълумки, бугунги ёшларимиз “YANDEKS”, “YAHOO”, “OPERA” каби таълим ахборот тармоғларидан фойдаланишмоқда. Лекин ҳар доим ҳам талаба ўзи учун зарур бўлган ўқув материални катта ахборот ҳажми ичидан кам вақт сарфлаб топа оладими? деган савол туғилади. Бу борада муайян тизим яратилиши лозимки, ундан талаба электрон муҳитда бемалол фойдалана олсин.

Инглиз тилини ўрганишда электрон муҳитдан фойдаланиш мақсади - ёшларда бирор муаммони ечиш қобилиятини ўстириш, янги билимни мустақил ўзлаштириш, ҳаракатнинг янги усуллари топиш, шахсан ташаббус кўрсатишни, ижодкорлик, фаолликни назарда тутати. Бунда ўқувчининг ўқув-билиш фаолиятига педагог рағбатлантирувчи усулда раҳбарлик қилади, талабанинг шахсий ташаббусини қўллаб-қувватлайди, бола билан ҳамкорлик қилади, унинг фикр ва қизиқишларини олдинги ўринга қўяди.

Педагогика олийгоҳлари талабалари, булғуси инглиз тили ўқитувчилари “Инглиз тили”, “Инглиз тили амалий курси”, “Инглиз тили грамматикаси”, “Инглиз тилида ёзишни ўрганиш”, “Инглиз тилини ўқитиш методикаси” каби ўқув предметларини ўзлаштириш жараёнида миллий ва жаҳон бадиий қадриятлари, табиат, жамият ва унга муносабат масаласида ўзига хосликларни аниқлаш, тил ўрганишга оид муносабатлар эстетикаси ва педагогик маҳорат сирларини чуқур ўрганадилар. Уларга тил ўрганишнинг табиати, моҳияти, тараққиёти муштарак қонунларини аниқлаш, тил семантикаси ва категорияларини ўрганишга кенг имкониятлар яратилади. Демак, таълим жараёнида электрон муҳитдан фойдаланиш орқали талабаларнинг тилларни ўрганишга қизиқишларини оширишга эътиборнинг қаратилиши ва шу орқали коммуникатив кўникмаларини шакллантиришга мослаштирилиши давр талабидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И. А. Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Т. : Шарқ», 1997, 3бет
2. Абдуллаева Ш. А. , Ахатова Д.А., Собиров Б.Б., Сайитов С. С. Педагогика.-Тошкент: Фан, 2008.-145-бет